

35 Ягона Ватан,  
ягона халқ, бўлиб,  
янги ҳаёт ва  
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 23 (1591)

2026-YIL 12-IYUN, JUMA

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adolot



## Комплаенс назорат: суд тизимини коррупциядан холи тизимга айлантиради

**Робохон МАХМУДОВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
партия фракцияси раҳбари

Давлатимиз раҳбари судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишга оид тақдимот билан танишди. Унда илгари сурилган таклифлар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари янги мазмун ва янги босқичга кўтарилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Эътиборли жиҳати, мазкур тақдимотдан сўнг Президентимиз томонидан "Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон имзоланиши ушбу йўналишдаги ислохотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади.

Бу ҳужжат суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этишни алоҳида тадбир эмас, балки доимий ишлайдиган институционал тизимга айлантиришга хизмат қилади. Зотан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, одил судловнинг очиқлиги ва қонунийликка қатъий риоя этилиши ҳар қандай демократик жамиятнинг таянч устунларидир. Шу маънода, судлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва хизмат интизомини кучайтиришга қаратилган ташаббуслар адолатли

давлат ва жамият куриш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Фармонда судларга жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш, суднинг нуфузи ва обрўсини ошириш, суд органларини Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг кўмакчасига айлантириш асосий мақсадлардан бири сифатида белгилангани алоҳида эътиборга молик. Бу, аввало, суд тизимида ҳалоллик стандартини кучайтириш, очиқлик ва ҳисобдорликни амалиётга чуқур синдириш, ҳар бир фуқарода "суд – адолат маскани" деган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

”

Бугун дунёда энг катта кураш инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кетаяпти.

Мана шу курашда  
КИТОБ – ҚУРОЛ,  
ТЕАТР – ТАРБИЯ,  
КИНО – ҒОЯ,  
МУСИҚА – РУҲ,  
АДАБИЁТ – МИЛЛАТ ХОТИРАСИ,  
САҲНА эса ХАЛҚНИНГ ОЙНАСИДир.



14 июнь –  
Халқаро  
донорлар куни

Бир томчи қон –  
узрға таъигулик  
яхшилик

“Бор меҳримиз сенга, болажон!”  
акцияси юзлаб қалбларни эзгулик  
атрофида бирлаштирди

Қувонарлиси, “Бор меҳримиз сенга, болажон!” хайрия донорлик акцияси “Адолат” СДП томонидан ўн бир йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Бу эса эзгулик ва инсонпарварлик гоёларининг жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, бир томчи қон – ким учундир  
ҲАЁТ, ким учундир эса ЯНГИ УМИД демакдир.

Иқтисодий  
барқарорликда

қуёш  
ПАНЕЛЛАРИНИНГ  
ЎРНИ



Магистрал йўлларни қуёш панеллари ёрдамида ёритиш нафақат-ҳайдовчилар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратади, балки энергия тежамкорлиги, экологик барқарорлик ва замонавий инфратузилмани ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Шу сабабли, бундай лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.




## Петербурги форуми янги уфқлар эшигини очди

Глобал иқтисодий ривожланиш шиддат билан одимлаётган бугунги даврда ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун самарали мулоқот майдонини излайди. Жумладан, Янги Ўзбекистон ҳам Президентимиз раҳбарлигида янги ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда. Бу ислохотлар доирасида мамлакат иқтисодиёт таъминини мустаҳкамлаш, инвестицион муҳитини янада яхшилаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсад қилинган.

Ушбу трансформация жараёнида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳам фаоллашиб, халқаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси билан икки томонлама муносабатлар янада мустаҳкамланиб, бу, савдо-иқтисодий, энергетика, sanoat ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг чуқурлашувида намоён бўлмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида



ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЛАРИНИ  
РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ  
УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ

Такомиллашган “Ўзбекистон-2030” стратегиясида 110 дан ортиқ маълумот ва ҳужжатларни талаб қилишни тўлиқ бекор қилиш вазифасининг белгиланиши рақамлаштириш жараёнида энг муҳим институционал ўзгаришлардан бири ҳисобланади.

# Комплаенс назорат: суд тизимини коррупциядан холи тизимга айлантиради

1 Бугун фуқаро суд идорасига мурожаат қилганда, аввало, қонун устуворлигига, холисликка ва инсон қадрлари ҳимоя қилинишига ишончи керак. Бу ишонч фақат судьянинг билими ёки тажрибаси билан эмас, балки бугун суд аппаратининг ҳалол, масъулияти ва шафқоф фаолияти билан таъминланади.

Шу боис, қарийб 4,8 минг нафар суд аппарати ходими фаолиятида комплаенс назоратини жорий этиш, уларнинг касбий ва ахлоқий масъулиятини оширишга қаратилган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, одил судлов сифати суд залида қабул қилинадиган қарордан анча олдин – ҳужжат айланиши, мурожаатларни қабул қилиш, ишларни рўйхатдан ўтказиш, ахборот алмашинуви ва фуқаролар билан мулоқот маданиятидан бошланади.

Олий суд таркибига тўғридан-тўғри Олий суд раисига бўйсунувчи Комплаенс назорат хизматини ташкил этиш тақдирини суд тизимида профилактика назоратини институционал даражага олиб чиқди. Фармонда Олий суд аппаратида Комплаенс назорат хизмати ташкил этилиши, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Ҳарбий судларда комплаенс назорати бўйича инспектор лавозимлари жорий этилиши белгилангани бу механизмнинг фақат марказда эмас, ҳудудларда ҳам тизимли ишлаганини таъминлайди.

Энг муҳими, бу хизматнинг вазифаси фақат қоидабузарликни аниқлаш билан чекланмаслиги, балки коррупцияга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, хавфли жараёнларни таҳлил қилиш, қонунчилик ва касб одоби талабларига риоя этилишини доимий мониторинг қилишдан иборат бўлиши лозим. Демак, у жазоловчи эмас, олдини оловчи ва тизимни соғломлаштирувчи механизм сифатида қаралиши керак.

Фармонда Комплаенс назорат хизматида суд аппарати фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, касб этикасига риоя этилишини мониторинг қилиш, ишга қабул жараёнларида шафқофлик ва холисликни таъминлаш, нормодларни коррупцияга қарши текширувдан ўтказиш, манфаатлар тўқнашуви ҳамда даромад ва мол-мулк декларацияси тизимларини юриштириш каби вазифалар юклатилган. Бу

эса профилактика, кадрлар сиёсати, ахлоқий назорат ва рақамли таҳлилнинг ягона тизимда бирлаштирилади.

Суд ишларини автоматик тақсимлаш дастурини такомиллаштириш, юқори хавфли лавозимлар рўйхатини белгилаш, хавф даражаси юқори жараёнларни рақамлаштириш ва инсон омиллини камайтириш каби чоралар назарда тутилаётгани айниқса аҳамиятли. Чунки адолатли судловнинг энг муҳим кафолатларидан бири – ишларни тақсимлашда шафқофлик, тасодифийлик ва ташқи таъсирлардан холи механизмнинг мавжудлиги.

Бу орқали ишларни тақсимлаш жараёнида субъектив ёндашувларга, ташқи таъсирларга ёки ноҳолис аралашувларга ҳуқуқий ва технологик тўсиқ қўйилади. Рақамлаштириш бу борада коррупцияга қарши курашнинг самарали воситасига айланади. Бироқ ҳар қандай электрон тизимнинг самараси унинг очик мезонлар, аниқ масъулият ва доимий аудит билан таъминланганига боғлиқ. Шу сабабли автоматлаштирилган дастурлар жамоатчилик ишончига хизмат қиладиган даражада тушунарли ва ҳисобдор бўлиши зарур.

Манфаатлар тўқнашуви, даромад ҳамда мол-мулк декларацияларини тақдим этиш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизимини ишга тушириш эса судлар фаолиятида очиклик ва шафқофликни таъминлайди. Айниқса, судьялар ва суд аппарати ходимлари бўйича бундай маълумотларни автоматлаштирилган тарзда тақдим этиш, текшириш ва таҳлил қилиш тизимининг жорий этилиши коррупциявий хавфларни инсон омиллига боғлиқ бўлмаган ҳолда аниқлаш имконини кенгайтиради.

Социал-демократик қадриятлар нуқтаи назаридан биз учун, айниқса, қимматли жиҳат – коррупция ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш ва фуқаролар учун хавфсиз алоқа каналларини яратиш масаласига алоҳида урғу берилгани. Ҳалол фуқарони ҳимоя қилиш, жамоатчилик назоратига кенг йўл очиш – очик ва демократик жамият қурилишининг асосий шартларидан бири.

Фармонда халқаро стандартлар асосида коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, пора тақдирини олиб ташлаш ҳақида хабар бериш тизими ҳамда фуқаро

лар учун хавфсиз алоқа каналларини жорий этиш назарда тутилгани ушбу йўналишдаги ишларга амалий мазмун беради. Айниқса, хабар беришнинг хавфсизлиги, мурожаатнинг махфийлиги ва натижаси бўйича жавобгарлик аниқ белгиланса, бу тизим қоғозда эмас, амалда ишлайди.

Суд аппаратида ишга қабул қилиш тизимини очик танлов, шафқоф тартиб-таомиллар ва меритократия таъминлаш асосида янгилаш ҳам ислохотларнинг узвий қисмидир. Суд тизимига келаятган ҳар бир ходимнинг касбий билими билан бирга маънавий-ахлоқий барқарорлиги, ҳалоллик мезонларига содиқлиги ҳам баҳолини зарур.

Фармонда суд аппарати ходимларини ишга қабул қилишда очик танлов, шахсий ва касбий фазилатларни ҳаққоний баҳолаш, маънавий-ахлоқий ва ҳалоллик сифатларини инобатга олиш, шунингдек, "vacancy.sud.uz" портали ва "SudHR" электрон платформасини ишга тушириш вазифалари белгилангани кадрлар сиёсатида замонавий, рақамли ва адолатли ёндашувни таъминлайди. Бу меритократия тамойиллини амалда қарор топтириш, тасодифий ёки манфаатдорлик асосида қадр ташлаш амалиётининг олдини олишда муҳим восита бўлади.

Шу билан бирга, суд аппарати лавозимларига қабул қилишда коррупцияга оид жиноят содир этган, ноҳуқуқ ҳаракатлари сабабли лавозимдан озод этилган шахсларга нисбатан чекловлар белгиланиши, тадбиркорлик, манфаатлар тўқнашуви ва ҳорижда мол-мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ чекловлар назарда тутилиши суд тизими ходими мақомига нисбатан масъулият ва талабни оширади.

Тақдиротдаги ихтисослашган хизмат кийими бўйича тақдир ҳам, аввало, ташқи рағбат эмас, балки хизмат интизоми, масъулият ва институционал маданиятни кучайтириш воситаси сифатида баҳолини лозим.

Чунки суд аппарати ходими нафақат ҳужжат юритувчи ёки ташкилий вазифани бажарувчи шахс, балки фуқаронинг суд тизими ҳақидаги дастлабки тасаввурини шакллантирувчи давлат хизматчисидир.

Фармонда судьялар корпусида коррупцияга мurosасизлигини шакллантириш, Одил судлов академиясида "реал кейслар"га асосланган ўқув-амалий модулларни жорий этиш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг ҳар уч йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича маънавий-ахлоқий вазифалари белгилангани ҳам муҳим. Бу ёндашув коррупцияга қарши курашни фақат назорат ёки жаза билан эмас, балки билим, кўникма, касбий иммунитет ва ҳуқуқий маданият орқали мустақамлашга қаратилган.

Айниқса, Одил судлов академиясини ISO 37001 коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими халқаро стандарти бўйича аудитдан ўтказиш чоралари белгилангани суд тизимидаги ислохотларни халқаро мезонлар билан ўйғунлаштиришга хизмат қилади. Бу эса суд соҳасида коррупцияга қарши сиёсатни миллий даражадагина эмас, халқаро стандартлар асосида баҳолаш имконини беради.

Судларда комплаенс назоратини кучайтириш ташаббуси айнан шу мақсадга хизмат қилади. У фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ишончини оширади, давлат органларида ҳалоллик стандартини мустақамлашга ва жамиятда "қонун барча учун баробар" деган тамойилнинг амалий ифодасини таъминлайди.

Эндиликда асосий вазифа – мазкур фармонда белгиланган чора-тадбирларни пухта ҳуқуқий механизмлар, малакали кадрлар, очик ҳисобдорлик, рақамли мониторинг ва жамоатчилик назорати билан мустақамлашдан иборат. Айниқса, комплаенс хизмати фаолиятида холислик, мустақил таҳлил ва натижадорлик бош мезон бўлиши зарур.

**Биз ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлаётган ҳамда уларнинг самарали амалга оширилиши мамлакатимизда адолатли, очик ва коррупциядан холи суд тизимини шакллантиришга хизмат қилишига ишонамиз. Президент фармони билан белгиланган вазифалар эса бу борадаги ислохотларни изчил, тизимли ва амалий натижага йўналтирилган босқичга олиб чиқади.**

# Иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий кафолатлар кучайтирилади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида Президентимизнинг шу йил 4-5 июнь кунлари Санкт-Петербург шаҳрига ташириги ҳамда Петербург халқаро иқтисодий форумининг янги йиғилишида иштирокининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар давлати раҳбари форумдаги нутқида муҳим ташаббусларни илгартирилганини, бу икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янги технология босқичга олиб чиқиш, савдо ва хизматлар соҳасида замонавий, қўлай ҳамда самарали рақамли муҳитни шакллантиришга хизмат қилишнинг алоҳида таъкидлашлар.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Иқтисодий процессуал кодексининг 271- ва 294-323-моддалари талабларига кўра, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди кўйи инстанция суди қарори устидан шикоят берилганда, унинг ижросини тегишли илтимоснома асосида мазкур инстанцияда иш юритиш таъминланганига қадар тўхтайтириш мумкин.

Бироқ, ушбу Кодексда суд қарори ижросини тўхтайтириш ҳақидаги илтимосномани рад этиш учун аниқ асослар белгиланмагани сабабли бундай илтимоснома тақдим этилганда, юқори инстанция суди аксарият ҳолларда кўйи инстанция суди қарорининг ижросини тўхтайтиришга тўғри келмоқда. Мазкур ҳолат тадбиркорлик субъектларининг суд қарори асосида пул маблағларининг ундирилиши жараёнлари кечикишига сабаб бўляпти.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал кодексининг 271-, 294- ва 323-моддаларига ўзгартириш киритиш тақдирини таъминлаш, унга кўра, юқори инстанция судла-

рида қўриб чиқилаётган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ижросини тўхтайтириш суд ҳужжати қайтарма ижроси қийинлаштириш ёки имконсиз бўлиб қолиши асослаб берилган ҳолларда қўриланиши белгиланмоқда.

– Қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида атрафлича муҳокама қилинди. Айтиш жоизки, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган тақдирлар эътиборга олиниб, ҳужжат матнида акс эттирилган, – дейди фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов. – Унинг қабул қилиниши эса суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Ҳужжатнинг муҳимлигини эътиборга олиб, уни маъқулладик.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.



# Петербург форуми янги УФҚлар эшигини очди

**Наримон УМАРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

1 Ҳозирда Марказий Осиё минтақасига, шу жумладан, Ўзбекистонга нисбатан халқаро молиявий ташкилотлар қизиқишининг ортиши ҳам бежиз эмас. Сўнгги ўн йилликда амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакат иқтисодиёти ҳажми 50 миллиард АҚШ долларидан 147 миллиард АҚШ долларига ошди. Жорий йилда эса 8 фоиздан юқори ўсиш прогноз қилинмоқда. Сўнгги йилларда 150 миллиард АҚШ долларидан орტიқ хорижий инвестициялар жалб қилиниб, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди, товар ва хизматлар экспорти қарийб 3 баробар кўпайди. Халқаро иқтисодий эркинлик индексида мамлакат 14 поғона юқорига кўтарилди. Бу эса глобал ишбилармонлар ҳамжамияти учун Ўзбекистоннинг ишончли ва барқарор мамлакат эканлигини тасдиқлайди.

Ўз ўрнида, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар ҳам замонавий геоиқтисодий воқеалик шариоитида янги мазмун касб этмоқда. Ўзбекистон учун Россия шунчаки қўшни эмас, балки вақт синовидан ўтган стратегик шерик ва иттифоқчидир. Ҳамкорлик маҳсулотларнинг оддий савдо-сотиғидан мураккаб саноат занжирлари, технологик альянслар, биргаликда лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қадар кенгайди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда ўзаро маҳсулот айланмаси уч баробардан кўпроқ – 4 миллиард АҚШ долларидан 13 миллиард АҚШ долларига ошди. Россия билан ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг умумий портфели эса 50 миллиард АҚШ долларидан ортади. Ҳудудлараро лойиҳалар ҳажми 5 миллиард АҚШ долларини ташкил этса, яна 5 миллиард АҚШ долларлик инвестициялар пакети тайёрланмоқда.

Бугунги кунда мазкур муносабатлар аънаваний савдо алоқаларидан анча юқори босқичга кўтарилиб, саноат кооперацияси, инновацион технологиялар, энергетика, рақамли иқтисодиёт ва инсон капитали соҳаларидаги ҳамкорликни қамраб олмақда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг бир неча баробар ошиши, кўп миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ҳудудлараро ҳамкорликнинг кенгайиши стратегик шерикликнинг мустақам иқтисодий асосга эга эканлигини кўрсатади. Айниқса, қўшма саноат парклари, машинасозлик кластерлари ва энергетика соҳасидаги лойиҳалар иқтисодий муносабатларнинг янги босқичини шакллантирмоқда.

Қолаверса, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон-Россия муносабатларининг муҳим йўналишларига айланди. Россия иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ҳисобидан Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш бир ярим баробар – 58 миллиард киловатт-соатдан 87 миллиард киловатт-соатга ошди. 2030 йилгача режани 120 миллиард киловатт-соатга кўпайтириш кўзда тутилган бўлиб, унинг 54 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ташкил этиши кутилмоқда.

Станцияни қуриш ва эксплуатацияга тайёрлаш ишлари энг замонавий халқаро стандартлар, илгор муҳандислик ечимлари асосида ҳамда ХАЭАнинг доимий назорати остида бажарилиши лойиҳанинг мутлақ хавфсизлигини таъминлайди. Бу лойиҳа Ўзбекистоннинг технологик, индустриал ва илмий тараққиётида янги босқични бошлаб бериб, атом энергетикаси каби янги тармоқни ривожлантириш учун асос яратади.

Қолаверса, Президентимизнинг Петербург халқаро иқтисодий форумидаги нутқида илгари сурилган "Евроосиё технологик саноатлаштириш камари" ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Бу ташаббус замонавий иқтисодиётнинг муҳим хусусияти ҳисобланган технологик кооперация ва саноат интеграциясини ривожлантиришга қаратилган. Унинг асосий мақсади ресурслар, технологиялар, молиявий имкониятлар ва инсон капиталини бирлаштириш ҳамда ягона иқтисодий макон шакллантиришдан иборат. Бундай ёндашув халқаро меҳнат тақсимотининг янги моделини яратиб, давлатларга юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Натижада иқтисодий ўсишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш учун зарур шароитлар юзага келади.

Шунингдек, бугунги иқтисодиётнинг энг муҳим драйверларидан бири рақамлаштириш ҳисобланади. Замонавий иқтисодий муносабатларда рақамли платформалар транспорт ва энергетика инфратузилмаси каби стратегик аҳамият касб этмоқда. Электрон тижорат, рақамли молия, сунъий интеллект ва катта маълумотлар технологиялари иқтисодий самардорликни оширишнинг асосий воситаларига айланди. Форумда Ўзбекистон томонидан тақдир этилган "қўшма рақамли экотизим" концепцияси ҳам ана шу тенденцияларга мос келади. Мазкур ташаббус рақамли савдо майдонларини ривожлантириш, трансгеографик электрон хизматларни кенгайтириш, меҳнат бозорининг рақамли моделини шакллантириш ва сунъий интеллект технологияларини амалиётга кенг жорий этиш имконини беради. Шу орқали мамлакатнинг рақамли иқтисодиёт соҳасидаги рақобатбардошлиги янада ошиши кутилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижалари мамлакатнинг танланган тараққиёт йўли тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Кейинги ўн йилда янги ички маҳсулот ҳажмининг қарийб уч баробар ўсиши, юзлаб миллиард долларлик инвестицияларнинг жалб қилиниши, экспорт салоҳиятининг кенгайиши ва ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши мамлакат иқтисодиётининг янги босқичга кўтарилаётганини намоян этмоқда. Шу билан бирга, иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йўналтирилган хусусияти аҳоли даромадларининг ортиши, турмуш даражасининг яхшиланиши ва инсон манфаатларининг давлат сиёсати марказига қўйилаётгани ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Учунга қилиб айтганда, Петербург халқаро иқтисодий форуми Ўзбекистон учун шунчаки навбатдаги дипломатик учрашувлар майдони эмас. Бу – миллий иқтисодиётнинг янги ўсиш драйверларини ҳаётга татбиқ этиш, йиллик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун янги уфқлар эшигини очадиган ташаббус. Унда илгари сурилган гоаялар Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий жараёнлардаги нуфузини ошириш, миллий рақобатбардошликни мустақамлаш ва Янги Ўзбекистонни замонавий тараққиёт этган давлатлар қаторига олиб чиқишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишига аминимиз.

Фракция йиғилиши



## МУРОЖААТДАН НАТИЖАГАЧА:

депутат фаолияти инсонлар ҳаётида акс этади

Халқ вакилининг фаолиятини баҳолашда одамлар ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, ҳар бир ҳал этилган муаммо ортида эса бир оиланинг эртанги кунга бўлган ишончи мужассам.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутаты Муҳиба Сайфиддинова фаолиятига назар ташласак, унинг диққат марказида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар учун янги имкониятлар яратиш масалалари турганини кўраимиз.

Депутат томонидан тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 13 нафар ёшга кредит ажратилишига амалий кўмак берилди. Натижада мазкур лойиҳалар асосида янги фаолият турлари ташкил этилиб, 19 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, Тайлоқ туманидаги "Ворсин" ва "Қўрғонча" маҳаллаларидаги оғир тоифага кирувчи 15 нафар ишсиз ёшнинг доимий иш билан таъминлишига эришилди. Бу эса ёшларнинг келажаққа ишонч билан қараши, ўз ўрнини топиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун муҳим замин яратди.

Депутат Муҳиба Сайфиддинованинг ташаббуси ва амалий кўмаги билан 37 нафар хотин-қизларга тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит ажратилишига кўмак-лашилди. Янги бизнес лойиҳала-

рини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва молиявий ресурсларни жалб қилишда кўрсатилган ёрдам қўллаб оилалар учун янги имкониятлар эшигини очди. Натижада 24 нафар ишсиз хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Бу рақамлар ортида эса ўз ҳаётини ўзгартиришга муваффақ бўлган аёллар, оиласининг моддий таъминотиغا ҳисса қўшиш имконига эга бўлган оналар ва келажаққа қатъий қадам қўяётган ёш қизлар турибди.

"Бахшитепан" маҳалласида яшовчи Дилфуза Жумаева узоқ вақтдан буён уй боғчаси ташкил этишни мақсад қилиб келарди. Депутатнинг амалий кўмаги билан 76 миллион сўмлик кредит маблағи расмийлаштирилиб, маҳаллада 50 ўринли уй боғчаси фаолияти йўлга қўйилди. Бугун мазкур муассаса маҳалладаги болажонларга қўлайлик яратиш билан бирга, 9 нафар фуқаронинг доимий иш би-

лан таъминлишига ҳам хизмат қилмоқда.

"Хончорбоғ" маҳалласида истиқомат қилувчи Парвина Хадиева асарчиликни ривожлантириш масаласида депутатга мурожаат қилди, мурожаат асосида фуқарога тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳуқуқий йўналишларни тўғри тушунириш натижасида кредит олган П.Хадиева бугунги кунда ўртача йиллик 20 миллион сўм соф даромадга эришди. Энг муҳими, мазкур фаолият орқали яна 3 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Ушбу маҳаллада яшовчи Смара Курбонованинг чорвачилик соҳасидаги фаолияти ҳам депутат кўмагида йўлга қўйилган бўлиб, бугун мазкур ҳужжатда икки нафар ишсиз аёл доимий меҳнат қилиб келмоқда. Етиштирилаётган сут ва гўшт маҳсулотлари маҳаллий бозорларга етказиб берилмоқда. Фаолиятдан ҳар ой ўртача 9 миллион сўм соф даромад олинмоқда.

Депутатнинг аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги кенг қўллаб-қувватлаш ишлари самараси ишсиз ёшлар ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, сайлов округи ҳудудидаги "Қўрғонча" маҳалласида яшовчи Холиса Холматова депутатнинг амалий кўмаги билан Тойлоқ туманидаги пойабзал ишлаб чиқариш цехига доимий ишга жойлаштирилди. Бугун у ўз меҳнати орқали даромад топиб, оиласига кўмак бермоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, депутат фаолиятида ёшлар маънавиятини юксалтириш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобхонлик маданиятини ошириш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида бугунги кунга қадар ёшларга 380 дан ортиқ китоб тақдим этилди.

Зеро, жамият тараққиёти фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки билимли, маънавиятли ва ватанпарвар ёшлар билан ҳам белгиланади.

Дарҳақиқат, халқ вакилининг фаолиятини рақамлар билан ифодалаш мумкин. Рақамлар ортида эса инсонлар тақдири, оилалар қувониқи ва келажаққа бўлган ишонч турибди.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

## СЕССИЯГА масала киритилди

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги "Адолат" социал-демократик партияси депутатлик гуруҳи таклифига асосан аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ўрганиш якунлари тўғрисидаги масала халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама этилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,  
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



Жараён давомида, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар хусусида ўтказилган депутатлик назорати тадбирлари доирасида қатор таҳлилий назорат ва мониторинг ишлари амалга оширилиб, бозорлар, савдо мажмуалари, озиқ-овқат дуконлари фаолияти ўрганилган.

Жумладан, Урганч марказий дехқон бозорида ўтказилган ўрганишлар давомида партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан қўйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жараёнда фуқаро томонидан келиб тушган мурожаат асосида ўрганиш ишлари ташкил этилган. Унга кўра, бозор ҳудудида ёнғоқ маҳсулоти сотиб олган фуқаро ёнғоқ истеъмолга яроқсиз ҳолатда эканлигини қайд этиб, бозор ҳудудига қайтариб олиб келган.

Депутатлар томонидан мазкур ёнғоқ маҳсулотини сотган тадбиркор иштирокида олиб борилган кузатишлар натижасида ҳақиқатдан ҳам маҳсулотнинг сифатсиз эканлиги аниқланиб тадбиркор ўз ихтиёрига кўра харидордан олган маблағни қайтариб, бундай ҳолат бошқа тақдорланмаслиги юзасидан тушунтириш хати ёзиб берган.

Бундан ташқари, депутатлар томонидан бозор ҳудудида ташкил этилган лаборатория хонаси ва анжомлар, шунингдек, таҳлиллар жараёни кўздан кечирилиб, камчиликлар юзасидан маъмуриятга таклифлар берилган.

Урганч шаҳрида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар, уларнинг санитария-гигиеник ҳолати бўйича белги-ланган вазифалар ижроси юзасидан "Адолат" СДП шаҳар кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан олиб борилган ўрганиш натижаларини муҳокама қилиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши қўйидаги қарор қабул қилди.

"Адолат" социал-демократик партияси шаҳар кенгаши партия депутатлик гуруҳи раҳбари Рустам Болтаевнинг шаҳарда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ўрганиш якунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Шаҳар санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги маркази бошлиғи (А.Исмаилов)га:

- дехқон бозорлари, озиқ-овқат савдо шохобчалари, ишлаб чиқариш ва умий овқатланиш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан назоратни кескин кучайтириш;
- аниқланган камчиликлар бўйича қатъий маъмурий чоралар кўриш;
- озиқ-овқат соҳасида фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларни белги-ланган муддатларда тўлиқ профилактик даврий тиббий кўриқдан ўтказилиши таъминлаш ва бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда Кенгашга ҳисобот тақдим этиб бориш;
- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича хабардорлигини ошириш, жумладан, фуқароларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш ва тайёрлашда санитария-гигиена қоидалари, сифатсиз маҳсулотларни аниқлаш ва улардан фойдаланмаслик бўйича билимларини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва маҳаллаларда тушунтириш ҳамда тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил этиб бориш вазифалари юклатилди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (А.Исаков) ҳамда ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими (О.Султонов) шаҳар санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги маркази бошлиғи (А.Исмаилов)га мазкур қарорнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарор ижросини назорат қилишни Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси (Б.Аллабергенов) зиммасига юклатилди.

Қарор бир овоздан қабул қилиниб, амалиётга йўналтирилди.

## Фуқаролар учун қулай муҳит яратилди

"Адолат" СДП ўз Сайловолди дастурида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаган. Аҳамиятлиси, партия томонидан илгари сурилаётган мазкур ташаббуслар амалда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Томди тумани Кенгаши депутаты Наташа Уенова томонидан жорий йилнинг 7 май куни туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мейрбек Игиликков номига депутатлик сўрови юборилди.

Мазкур депутатлик сўровида Томди тумани Маданият марказига олиб борувчи пиёдалар йўлағида кўзи оғир ва имконияти чекланган фуқаролар учун зарур шарт-шароитлар етарли даражада яратилмагани, хусусан, тактил йўлакларнинг мавжуд эмаслиги туфайли уларнинг муқтақил ҳаракатлишида қатор қийинчиликлар юзага келаётгани таъкидланган.

Шунингдек, ушбу ҳудудда ногиронлиги бўлган шахслар, кекса авлод ва бошқа эҳтиёжманд аҳоли қатламлари учун ҳам муайян ноқулайликлар мавжудлиги қайд этилди. Аҳоли мурожаатлари ва ўрганишлар натижасида мазкур масаланинг долзарб экани аниқланиб, пиёдалар йўлагини ўрга-

Новий виллоят кенгаши матбуот хизмати

## БПТ етакчиси ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?!



Ташаббускорлик ҳамда тарғибот ишларидаги фаоллик партия етакчиларига хос энг муҳим фазилатлардан биридир. Чунки жамоатчилик билан ишлаш жараёнида мазкур хислатлар катта аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши томонидан Асака туманидаги "Файзиобод" бошланғич партия ташкилотига (БПТ) амалий семинар ташкил этилди. Унда ҳудудий ва жойлардаги БПТ етакчилари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этди.

"Файзиобод" БПТ 2012 йилда ташкил топган бўлиб, дастлаб ўз атрофига атиги 15 нафар партия аъзосини бирлаштирган эди. Бугунги кунга келиб эса уларнинг сони 159 нафардан ортди.

Ҳўш, бундай натижага қандай эришилди? Бир маҳаллада шунча "адолатчи" жамланганининг сирини нимада? Семинар кун тартибига айнан шу саволлар қўйилди.

Бу муваффақиятлар замирида, аввало, БПТ раиси Мавлудхон Муқимованинг сиёсий билимдонлиги, фаоллиги ва ташаббускорлиги муҳим рол ўйнамоқда. Давлатимизнинг бугунги сиёсати ҳамда партиянинг Сайловолди дастурида белги-ланган вазифалар ижросини таъминлаш, жамиятда адолат мезонларини қарор топтириш унинг фаолияти асосини ташкил этади. Мавлудхон

касби ўқитувчи бўлганили боис фуқаролар билан тез тил топиша олади. У партия лойиҳалари доирасида хондонларга кириб, тушунтириш ишларини олиб боришдан чарчамайди. Атрофида ўзи каби фаол сафдошларининг жамлангани эса унинг ишини янада енгиллаштирмоқда.

– Биринчи навбатда фуқароларнинг сиёсий саводхонлигини оширишга эътибор қаратялмиз, – дейди БПТ етакчиси. – МФЙ фаоллари билан ҳамкорликда ишлаймиз. Давлатимиз томонидан олдимишга қўйилаётган вазифалар ва қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришларни жамоатчиликка ўз вақтида етказиб бораемиз. Партияимизнинг номи ҳам кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотади. Фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар ва ҳуқуқий масалалар бўйича бизга мурожаат қилишади. "Адолат қабулхонаси" орқали бу муаммоларга имкон қадар ечим топишга ҳаракат қилаемиз. Сафимишда хотин-қизлар, айниқса, вақтинча ишсиз бўлган уй бекалари кўпчилигини ташкил этади. Уларни ижтимоий фаолликка чақириш орқали партияимизга жалб этиламиз. Хотин-қизларга қара-

тилган лойиҳалар маҳалламизда ўз ижросини топмоқда. Натижада, бугун "Файзиобод"нинг деярли ҳар бир хондонидида камиди бир нафар "адолатчи" бор.

– Мавлудхон оланинг фаоллигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, – дейди "Адолат" СДП Асака туман кенгаши раиси Меҳринисо Каримова. – Унинг Асака туманида партияимиз мавқеини мустақамлашда ҳиссаси жуда катта. Мавлудхон партия томонидан ўтказилаётган кўрик-танловларда ҳам доимий равишда фаол қатнашиб келади. Унинг "Адолатли қайнона" кўрик-танловининг республика босқичига етиб боргани ҳам фаолиятига берилган юқори баҳолидир. У туманимизда узоқ йиллардан бери БПТга муваффақиятли раҳбарлик қилиб келаётган фидойий фаолларимиздан бири ҳисобланади.

Ийгилиш давомида иштирокчилар иш ҳужжатларининг юритилиши ва аъзолар билан тизимли ишлаш тажрибасини ўрганишлар. Шунингдек, улар "БПТ етакчиси қандай бўлиши керак?" деган саволга Мавлудхон Муқимованинг иш фаолияти мисолида яққол жавоб топдилар.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

# ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖИ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ



Муносабат

Сўнги йилларда мамлакатимизда тарих саҳифаларига муҳрланувчи катта ўзгаришлар, келажак авлодлар фаровонлигини кўзлаб қўйилган қатъий ва муайян қадамлар шиддат билан илгартирилди. Шундай ўзгаришлардан бири жорий йилнинг 4 июнь куни Жиззах вилоятининг Форш туманида Ўзбекистон тарихида янги саҳна ва илм-фан даврини бошлаб берган яна бир муҳим воқелик содир бўлди. Мамлакатимизда барпо этилаётган илк интеграциялашган атом электр станциясининг биринчи энергия блоки пойдеворини қўйиш ишлари бошланди, қурилиш ишларига расман старт берилди.



**Манзура САЛИМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг видеомуроқоти, шунингдек, Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА) бош директори Рафаэль Гроссининг телекўприк орқали иштирокида ўтган маросим, албатта, минтақавий миқёсдаги стратегик воқеликдир. Бу янгилик Ўзбекистоннинг иқтисодий ва технологик суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий санаятнинг янги босқичга олиб чиқиш ва энг муҳими – аҳоли фаровонлигини кафолатлашга қаратилган узоқ муддатли сиёсий ироданинг амалий ифодасидир. Дастлабки босқичларда лойиҳа фақат кичик қувватли модулли реакторлар базасида қурилиши режалаштирилган эди. Бироқ, мамлакат иқтисодиётининг шиддатли ўсиш суръати, аҳоли сонининг кўпайиши ва йirik санаот хабларининг шаклланиши энергияга бўлган талабни янада ошириши тақозо этди. Шу боис, 2026 йилнинг 24 март куни икки давлат ўртасида имзоланган янги конфигурацияни назарда тутувчи қўшимча келишув ва ҳамкорлик йўл харитаси лойиҳани сифат ва миқдор жиҳатдан мутлақо янги босқичга кўтарди.

яъни гибрид АЭСлардан бири бўлади. Шунингдек, комплекснинг умумий қуввати 2,1 гигаваттдан ошиши kutilмоқда. Демакки, бундай масштабдаги лойиҳа Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг ядровий технологиялар ва “яшил энергетика” марказига айлантиради. Айтиш кераки, атом энергетикасининг пойдевори бир кунда яратилгани йўқ. Бу лойиҳалар давлатимиз раҳбарининг сўнги йиллар давомида энергетика соҳасини трансформация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва тизимни диверсификация қилиш йўлида олиб борган изчил сиёсатининг маҳсулидир. Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз уран захиралари бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Бироқ узоқ йиллар давомида бу стратегик ҳолати фақат экспорт қилинган. Янги стратегия доирасида ушбу ҳолати мамлакат ичида юқори қўшилган қийматли маҳсулотга – электр энергиясига айлантириш вазифаси қўйилди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек: **“Биз уран захиралари бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан биримиз. Янги гибрид станциянинг бутун фаолияти учун 19,5 тонна уран етарли бўлади. Шунинг учун ҳам бу лойиҳа бизнинг келажакимиз учун жуда муҳим”.**

## “САНОАТ УЧБУРЧАГИ” ДАСТУРИ ИЖРОСИ:

### МАҲАЛЛИЙ ДУМПКАРЛАР СИНОВДА



“Саноат учбурчаги” дастури ижросини таъминлаш мақсадида “Олмалик КМК” АЖ, “Андижон механика заводи” АЖ ва “Олмалик қуюв-механика заводи” МЧЖ ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган эди. Ушбу уч томонлама ҳамкорлик асосида, тоғкон санаотида тоғ жинсларини ташиндиришда қўлланиладиган, юк кўтариш қуввати 115 тонна бўлган юқори самарали думпкарлар (ўзи ағдарувчи вагонлар) ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 2025 йил “Андижон механика заводи” АЖда ушбу махсус транспорт воситасининг дастлабки намунаси муваффақиятли ишлаб чиқарилди.



2026 йилнинг май ойига келиб, “Андижон механика заводи” АЖ томонидан умумий қиймати 2,8 миллиард сўм бўлган дастлабки думпкар ОКМКа фойдаланиши учун етказиб берилди ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш жараёни бошланди. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида “Андижон механика заводи” АЖ томонидан комбинат эҳтиёжлари учун жами 196 та худди шундай замонавий думпкарлар етказиб берилиши кўзда тутилган. Ушбу темир йўл транспортлари комбинат конларидан бойитиш фабрикаларига маъданларни узлуксиз ҳамда хавфсиз ташиндириш асосий логистик восита бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларида маҳсулот сифатини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида, фақатгина халқаро ва миллий мувофиқлик сертификатларига эга бўлган юқори сифатли бутловчи буюмлар ҳамда эҳтиёт қисмлардан фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда думпкарларнинг ўзини ҳам тўлиқ сертификатлаштириш жараёни олиб борилмоқда. Бу борада барча техник ва технологик талабларга, хавфсизлик меъёрига риоя қилинишига алоҳида ургу берилган бўлиб, бу тайёр маҳсулотнинг узоқ муддат ва ишончли хизмат қилиниши таъминланади.

ОКМК Ахборот хизмати

## Худудлардан хабарлар

### ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

**Қорақалпоғистон Республикаси.** Тўртқўл туманида 29-сонли давлат таълим муассасасининг қурилиш ишлари расман бошланди. Мазкур лойиҳа худудда таълим инфратузилмасини янада ривожлантириш, болалар учун замонавий ва қулай шароитлар яратишга хизмат қилади. Қурилиш ишлари жараёни билан **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Урингул Аллабергенова** яқиндан танишди.



Ташриф довомида қурилиш майдонидаги ишларнинг бориши, лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, қурилиш материалларининг сифати ҳамда ишларни белгиланган муддатларда яқунлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Депутат масъул мутасаддилар билан суҳбатлашиб, қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш бўйича ўз тавсияларини билдирди. Шунингдек, янги таълим муассасаси фойдаланишга топширилгач, худуддаги болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши учун янада кенг имкониятлар яратилишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун таълим тизимини ривожлантириш, замонавий таълим масканларини барпо этиш ва ёш авлод учун муносиб шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Навоий вилояти.** Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида “Жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш масалалари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Фарҳод Мамалатипов, Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси масъул ходимлари, “Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши раиси Мансуржон Ҳамидов, соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси ҳамда туман ва шаҳар табиёт бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли илохотлар, соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажми йил сайин ортиб бораётгани таъкидланди. Шу билан бирга, тизимда учраётган коррупцион ҳолатлар, бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланиш ва хизмат вазифасини суниётмаъл қилиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирларни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддилар томонидан ишга қабул қилини, таълим хизмат кўрсатиш, ногиронликни белгилаш жараёнлари каби йўналишларда коррупциявий хавфлар сақланиб қолаётгани, бу борада профилактик ишлар самарадорлигини ошириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда вилоят кенгаши раиси Мансуржон Ҳамидов давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг роли алоҳида таъкидланганини қайд этди.

– *Партияимизнинг асосий элиторати орасида табиёт соҳаси вақиллари салмоқли ўрин тутади. Шу боис соҳада қонунчилик, адолат ва шаффоқлик таламийларини қарор топтириш биз учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Коррупцияга нисбатан мурокасиз муносабатни шакллантириш ҳар бир раҳбар ва ходимнинг масъулиятидир,* – деди М.Ҳамидов.

Тадбир довомида иштирокчиларга республика миқёсида аниқланган коррупциявий ҳолатлар акс этган видеолар намоиш этилди ҳамда жамоаларда профилактик тарғибот ишларини мунтазам ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.

### “МЎЯН”ЛИКЛАР ДЕПУТАТДАН МИННАТДОР

**Фарғона вилояти.** Қувасой шаҳридаги “Мўян” маҳалласи Олтин водий кўчаси аҳолиси электр энергияси кучлинишининг пастлиги ва тармоққа тўшаётган ортиқча юклама сабабли янги трансформатор ўрнатилиши зарурлиги ҳақида бир неча бор мурожаат қилган эди.

Масала юзасидан **халқ депутати Қувасой шаҳар Кенгаши депутати Улугбек Содиков** тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборди. Дастлаб муаммони “Ташаббуси бюджет” лойиҳаси орқали ҳал қилиш таклиф этилган бўлса-да, депутат бу ечим аҳоли эҳтиёжини тезкор қондиришнинг таъкидлади.

Шундан сўнг масала шаҳар кенгаши сессиясида кўриб чиқилиб, инфратузилмани ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш таклифи киритилди. Депутатлар томонидан ташаббус бир овоздан қўллаб-қувватланиб, зарур маблағ ажратилди. Натижада “Мўян” маҳалласи Олтин водий кўчасида электр таъминоти сифатини яхшилаш ва янги трансформатор ўрнатиш учун имконият яратилди.

Шунингдек, **халқ депутатлари Фуқарат тумани Кенгаши депутати Н.Олимов** ҳамда эксперт гуруҳи аъзоси Т. Йўлдошев томонидан 16-Қўқонбой сайлов округида амалга оширилаётган инфратузилмавий лойиҳалар юзасидан манзилли ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш довомида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг бориши, сифати ҳамда муддатларга мувофиқлиги кўздан кечирилди. Жумладан, Қўқонбой МФИда лойиҳа доирасида ички йўллари асфальтлаштириш ишлари сифатли амалга оширилаётгани қайд этилди. Шунингдек, аниқланган айрим масалаларга бўйича тегишли тавсиялар берилиб, лойиҳаларни сифатли ва ўз вақтида яқунлаш муҳимлиги таъкидланди. Бундай ўрганишлар худудларни обод қилиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва сайловчилар манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Худудий кенгашлар матбуот хизмати



# Иқтисодий барқарорликда қуёш панелларининг ўрни

Долзарб мавзу

Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шулардан энг самарали ва экологик тоза манбалардан бири қуёш энергиясидир. Қуёш панелларини ўрнатиш аҳоли, корхоналар ва давлат учун кўплаб ижобий натижаларни беради.

**Сарвар ЭРГАШЕВ,**  
“Адолат” СДП Марказий аппарати бошқарма бошлиғи

Аввало, қуёш панеллари электр энергияси харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Қуёш нурлари орқали ишлаб чиқарилган энергия бепул бўлгани учун истеъмолчилар электр тўловларини тежаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса, узоқ муддатда катта иқтисодий фойда келтиради.

Қуёш энергияси экологик жиҳатдан хавфсиз ҳисобланади. Қуёш панеллари ишлаш жараёнида атмосферага зарарли газлар чиқармайди ва ҳаво ифлосланишига сабаб бўлмайди. Бу эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қуёш панеллари энергия мустақиллигини таъминлайди. Электр тармоғида узилликлар бўлган ҳолларда ҳам қуёш панеллари ва аккумулятор тизимлари орқали энергиядан фойдаланиш мумкин. Бу, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун муҳим аҳамиятга эга.

Қуёш панелларининг хизмат муддати узоқ бўлиб, уларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари нисбатан кам. Замоновий панеллар 25-30 йил ёки ундан ҳам кўпроқ вақт самарали ишлаши мумкин.

Қуёш панелларини ўрнатиш иқтисодий тежамкорлик, экологик хавфсизлик, энергетик барқарорлик ва узоқ муддатли самарадорлик каби муҳим афзалликларга эга. Шу сабабли, қуёш энергиясидан кенг фойдаланиш келажак учун муҳим ва мақбул ечим ҳисобланади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Шулар орасида қуёш энергияси энг самарали ва экологик тоза манбалардан бири ҳисобланади. Қуёш панеллари ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия харажатларини камайтириш ҳамда энергия хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Кўплаб ривожланган давлатлар қуёш энергияси соҳасида катта ютуқларга эришган. Масалан, АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларда миллионлаб хонадонлар ва корхоналар айнан қуёш панелларидан фойдаланиб келаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бу панеллар кун давомида қуёш нурларини электр энергиясига айлантириб, аҳоли ва sanoat эҳтиёжларини қондиришга ёрдам бermoқда. Шунингдек, қуёш энергияси тикланувчи манба бўлгани учун унинг захиралари тугамайди.

Ривожланган мамлакатларда қуёш панелларидан унумли фойдаланиш энергия тежамкорлиги, экологик самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Уларнинг таърифи бошқа давлатлар учун ҳам яхши намуна бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

**Яна бир муҳим жиҳат йўл ҳаракати хавфсизлигидир. Тўлақ ва барқарор ёритилган магистрал йўлларда йўл-транспорт ҳодисалари хавфи камаяди, ҳайдовчилар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратилади.**

**Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида автомобиль йўллари, кўприклар ва жамоат жойларини айнан қуёш энергияси орқали ёритиш амалиёти муваффақиятли қўлланилмоқда. Янги Ўзбекистон ҳам бу тажрибадан унумли фойдаланиб, замоновий ва экологик тоза инфратузилмани шакллантириши мумкин.**

Магистрал йўллари анъанавий усулда ёритиш давлат бюджетига ва энергетика тизими учун катта харажат талаб қилади. Қуёш панеллари эса электр тармоғига бўлган юкларни қисқартириб, энергия тежамкорлигини таъминлайди ва атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар миқдорини камайтиради. Бу мамлакатнинг қайта тикланувчи энергия улушини ошириш бўйича белгиланган мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат йўл ҳаракати хавфсизлигидир. Тўлақ ва барқарор ёритилган магистрал йўлларда йўл-транспорт ҳодисалари хавфи камаяди, ҳайдовчилар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратилади. Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида автомобиль йўллари, кўприклар ва жамоат жойларини айнан қуёш энергияси орқали ёритиш амалиёти муваффақиятли қўлланилмоқда. Янги Ўзбекистон ҳам бу тажрибадан унумли фойдаланиб, замоновий ва экологик тоза инфратузилмани шакллантириши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда партия Сайловолди дастурида ҳам электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида магистрал йўллари қуёш панеллари ёрдамида ёритиш тизимини йўлга қўйиш масаласи муҳим вазифа сифатида илгари сурилган.

**Хулоса қилиб айтганда, магистрал йўллари қуёш панеллари ёрдамида ёритиш нафақат энергия тежаш, балки экологик барқарорлик, бюджет маблағларини иқтисод қилиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.**

боғлиқлигини камайтиради. Шунингдек, ёгингарчилик, туман ёки бошқа ноқулай об-ҳаво шароитларида йўл чиқишлари ва белгиларини яхшироқ кўриш имконини яратаяди.

Бундан ташқари, қуёш панеллари ёрдамида ишлайдиган ёритиш тизимлари электр энергияси таъминоти узилиб қолган ҳолатларда ҳам мустақил равишда фаолият кўрсатиши мумкин. Бу эса ҳаракат хавфсизлигини янада оширади ва фавқуллодда ҳолатларда муҳим аҳамият касб этади.

Магистрал йўллари қуёш панеллари ёрдамида ёритиш нафақат ҳайдовчилар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратаяди, балки энергия тежамкорлиги, экологик барқарорлик ва замоновий инфратузилмани ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Шу сабабли, бундай лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда замоновий технологиялар ва “яшил иқтисодиёт” тамойиллари кенг жорий этилмоқда. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Қуёш энергетикаси бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар ва давлат дастурлари бу соҳага бўлган эътиборнинг янада кучайганини кўрсатмоқда.

Шундай экан, магистрал автомобиль йўллари қуёш панеллари ёрдамида ёритиш вақти ҳам келди. Ўзбекистон иқлимнинг аксар қисми қуёшли кунлар кўп бўлган мамлакат ҳисобланади. Бу эса йўл ёритиш тизимларида қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш учун катта имконият яратаяди.

Магистрал йўллари анъанавий усулда ёритиш давлат бюджетига ва энергетика тизими учун катта харажат талаб қилади. Қуёш панеллари эса электр тармоғига бўлган юкларни қисқартириб, энергия тежамкорлигини таъминлайди ва атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар миқдорини камайтиради. Бу мамлакатнинг қайта тикланувчи энергия улушини ошириш бўйича белгиланган мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат йўл ҳаракати хавфсизлигидир. Тўлақ ва барқарор ёритилган магистрал йўлларда йўл-транспорт ҳодисалари хавфи камаяди, ҳайдовчилар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратилади.

Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида автомобиль йўллари, кўприклар ва жамоат жойларини айнан қуёш энергияси орқали ёритиш амалиёти муваффақиятли қўлланилмоқда. Янги Ўзбекистон ҳам бу тажрибадан унумли фойдаланиб, замоновий ва экологик тоза инфратузилмани шакллантириши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда партия Сайловолди дастурида ҳам электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида магистрал йўллари қуёш панеллари ёрдамида ёритиш тизимини йўлга қўйиш масаласи муҳим вазифа сифатида илгари сурилган.

Таҳлил

Тақомиллашган “Ўзбекистон-2030” стратегиясида давлат бошқарувини аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи тизим сифатида ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Унда давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аниқ натижага йўналтириш, шунингдек, ҳисобдорлик ва масъулият механизмларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

## “Ўзбекистон-2030” стратегиясида



## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Инобат ҲАКИМОВА,**  
“Тараққиёт стратегияси” маркази бош мутахассиси

Стратегияда қонун устуворлигини таъминлаш ва халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналишида давлат хизматларини рақамлаштиришга оид қатор аниқ вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар давлат хизматлари кўрсатиш тизимини замоновий талаблар асосида тақомиллаштириш, хизматларни электрон шаклга ўтказиш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, идоралараро ахборот алмашувини кучайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни назарда тутаяди. Натижада давлат хизматларини рақамли, ўзаро интеграциялашган ва фойдаланувчи эҳтиёжларига мос тизимга босқичма-босқич ўтказиш учун замин яратилади.

Ушбу йўналишда, биринчи навбатда, электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 90 фоиздан ошириш белгиланган бўлиб, бу давлат хизматларининг асосий қисmini масофавий ва рақамли механизмлар орқали тақдим этиш, инсон омиллини қисқартириш, маъмурий жараёнларни соддалаштириш ҳамда хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Рақамлаштириш жараёнида мобил хизматларни ривожлантириш ҳам муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг катта қисми интернетдан мобил қурилмалар орқали фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда, давлат хизматларини мобил иловалар орқали тақдим этиш кўламини кенгайтириш стратегик аҳамиятга эга. Бу орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти вақт ва макондан мустқил равишда таъминланади. Хусусан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали мобил иловасида жорий қилинган хизматларнинг ягона порталдаги мавжуд хизматларга нисбатан улушини 90 фоизга етказиш мақсади қўйилган. Бу эса давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини веб-портал билан чеклаб қўймасдан, мобил формат орқали ҳам кенгайтиришни назарда тутаяди.

Стратегияда композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини камидан 400 тага етказиш вазифасининг белгиланиши давлат хизматлари тизимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилганини кўрсатади. Мазкур ёндашув хизматларни фуқаронинг ҳар бир идорага алоҳида мурожаати асосида эмас, балки интеграциялашган маълумотлар базаси ва шахснинг ҳаётини вазиятидан келиб чиққан ҳолда комплекс ҳамда олдиндан тақлиф этиладиган шаклда тақдим этишни назарда тутаяди. Бу эса давлат хизматлари соҳасида мурожаатга асосланган моделдан проактив ва фойдаланувчи йўналтирилган моделга ўтиш жараёни кучайиб бораётганини аниқлатади.

Шу билан бирга, давлат органлари ўртасидаги маълумот ва хужжат алмашувини тизими ҳам ўзаро интеграция асосида электрон шаклга ўтказиб борилаётган. Бу эса идоралараро ахборот алмашувини кўламини кенгайтириб, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ортиқча қоғозбозлик ва тақрир хужжат талаб қилиш амалиёти қисқариб бораётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, рақамлаштириш жараёнида давлат хизматларини фақат электрон шаклга ўтказиш билан чекланмасдан, уларни мазмунан қайта кўриб чиқиш, ортиқча босқич ва талабларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 500 тага яқин давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифа давлат хизматларини рақамлаштириш жараёни фақат уларни электрон кўринишга ўтказиш билан чекланмасдан, хизматларни кўрсатиш тартиби, босқичлари ва талаб этиладиган хужжатларини ҳам қайта кўриб чиқишни қамраб олишини кўрсатади.

Бундан ташқари, давлат хизматларининг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш орқали давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгайтириш, хизмат кўрсатишда рақобат муҳитини шакллантириш ва аҳолига янада сифатли сервис тақлиф этишга қаратилган. Бундай ёндашув давлатнинг барча жараёнларини бевосита



амалга оширувчи эмас, балки тартибга солувчи ва назорат қилувчи субъект сифатидаги ролини кучайтиради. Натижада хизматлар кўрсатиш тизимида самарадорлик, тезкорлик ва миқозга йўналтирилганлик даражаси ортади.

Аҳолига нотариал хизматларни онлайн тарзда кўрсатиш улушини 30 фоизга етказиш ва ФХДЭ органлари томонидан онлайн тарзда кўрсатиладиган хизматлар улушини 30 фоизга етказиш вазифалари аҳоли учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган айрим хизматларни ҳам рақамли шаклга ўтказишни назарда тутаяди. Бундан ташқари, архив соҳасида давлат хизматлари сонини 14 тага етказиш белгиланган бўлиб, бу ушбу соҳада ҳам хизматлар турини кенгайтириш ва уларни тизимли шаклда тақдим этишга қаратилган.

Тақомиллашган “Ўзбекистон-2030” стратегиясида 110 дан ортиқ маълумот ва хужжатларни талаб қилишни тўлиқ бекор қилиш вазифасининг белгиланиши рақамлаштириш жараёнида энг муҳим институционал ўзгаришлардан бири ҳисобланади. Бу давлат органлари ихтиёрида мавжуд маълумотларни фуқаролардан қайта талаб қилмаслик, идоралараро ахборот алмашувини кенгайтириш ва давлат хизматларини олиш жараёнида ортиқча хужжатлар айланмасини қисқартириш билан боғлиқ. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган sanoat, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат хизматларини рақамлаштириш даражасини 100 фоизга етказиш белгиланган бўлиб, бу муайян соҳадаги хизматларни тўлиқ электрон шаклга ўтказишни назарда тутаяди.

**Хулоса ўрнида айтиш лозимки, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида давлат хизматларини рақамлаштириш бўйича белгиланган мақсадлар хизмат кўрсатиш тизимини босқичма-босқич электрон, интеграциялашган ва фойдаланувчи йўналтирилган шаклга ўтказишга қаратилган. Ушбу вазифалар орқали давлат хизматларини кўрсатиш тартибин соддалаштириш, ортиқча хужжатбозликни қисқартириш, идоралараро ахборот алмашувини кучайтириш, онлайн ва мобил хизматлар қамровини кенгайтириш, шунингдек, айрим хизматларни хусусий сектор иштирокчида ташкил этиш назарда тутилган. Натижада давлат хизматлари тизимининг очиқлиги, тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун хизматлардан фойдаланиш жараёнини янада қулайлаштиришга хизмат қилувчи институционал ва ташкилий асосларни мустаҳкамлаш мақсад қилинган.**



**Инсон гоҳ-гоҳ дуч келадиган ҳар бир муваффақиятсизликни бахтсизлик деб ҳисобла-маслиги лозим. Ким билади дейсиз, балки ҳақиқий бахт кичик муваффақиятсизликдан бошланар?!**

**Чингиз АЙТМАТОВ**



# Бир томчи қон – уярга таътигулик яхшилик

“Бор меҳримиз сенга, болажон!” акцияси  
юзлаб қалбларни эзгулик атрофида бирлаштирди

Инсон организмдаги қон тўқималарга кислород ва озуқа моддаларини етказиш, кимёвий ҳимояни таъминлайди, ҳароратни барқарорлаштиради ва яра туфайли қон кетишни тўхтатишда ишгирок этади. Бу улкан вазифар қон таркибидagi компонентлар – эритроцитлар, тромбоцитлар, лейкоцитлар ва плазма ўртасидаги аниқ мутаносиблик ва ўзаро ҳамкорлик туфайли амалга ошади.

**Додар ДОЛМУРОВА,**  
“Адолат” СДП Марказий аппарати  
бошқарма бошлиғи

Тиббий амалиётда қон фақатгина умумий кўринишда эмас, балки аниқ компонент кўринишда керакли беморга берилади. Қон топирилгандан кейин у бир неча таркибий қисмларга ажратилади: эритроцит массаси, плазма, тромбоцитлар. Ҳар бир компонент муайян касалликларни даволаш учун қўлланилади. Шу туфайли битта донорлик бир вақтнинг ўзидa бир неча беморга ёрдам бериш имконини яратади.

Бундан ташқари, плазмадан ҳаётини муҳим дори воситалари ишлаб чиқарилади – альбумин, иммуноглобулинлар ва қон ивиш миллилари. Шу сабабли донорликни ривожлантириш нафақат тиббий, балки мамлакат фармацевтика саноати учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бу ресурслардан оқилонга фойдаланиш асоратлар хавфини пасайтиради ва клиник самарадорлиқни оширади.

Афсуски, қонни сунъий тарзда ишлаб чиқишнинг имкони йўқ. Илмий тараққиёт қонни тўлиқ сунъий модда билан алмаштириш босқичига ҳали етиб бормаган. Унинг ягона манбаи бегараз донорлардир. Бугунги кунда плазма ўрнини қисман босувчи эритроцитлар ва кислород ташувчи айрим молекулалар устидa ишланган бор, бироқ улар инсон қонининг барча физиологик вазифаларини тўлиқ қопламаяди. Демак, хавфсиз ва барқарор қон захираси – соғлом аҳолининг бегараз донорлик маданиятига бевосита боғлиқ. Шу боис тиббиёт муассасалари учун қоннинг ягона манбаи инсон – донор ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 118 миллиондан ортиқ қон топириш холати қайд этилади.

Ривожланган мамлакатларда донорлик тизими, асосан, ихтиёрийлик тамойилига қўрилган. Европа давлатларининг аксариятида, шунингдек, Канада, Австрали ва Японияда қон захираларининг 90 фоиздан ортиғи мунтазам равишда бегараз қон топирувчи донорлар ҳисобига шакллантирилади.

Жаҳон таърибаси шуни кўрсатадики, донорлик фаоллигининг юқори даражаси тиббий хизмат сифати ошиши, ўлим кўрсаткичларининг камайиши ва

соғлиқни сақлаш тизимининг фавқулодда ҳолатларга тайёрлиги билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда қон донорлиги соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Қонун донорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ижтимоий ҳимоя кафолатлари, шунингдек, қонни тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини белгилайди. Сўнгги йилларда қон хизмати соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар ҳам қабул қилинди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Фахрий донори” кўрак нишон соҳиблари учун тўлов ва имтиёзлар кенгайтирилди, сайёр донорлик амалиёти ривожлантирилди, ПЦР диагностикаси каби замонавий текширув усуллари жорий этилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон қон хизмати тизими жиддий модернизациядан ўтди. Усуналари янгилаш, ҳудудий қон куйиш марказларини ривожлантириш ва бегараз донорликни омаллаштириш бўйича давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 2025 йилда мамлакатда тахминан 153 тонна донорлик қони тайёрланган. Таққослаш учун, 2024 йилда бу кўрсаткич 148 тоннани, 2023 йилда эса 130,6 тоннани ташкил этган.

Жамоатчилик ташаббуслари орасида “Адолат” СДП ташаббуси билан республика бўйлаб ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган “Бор меҳримиз сенга, болажон!” широри остидаги бегараз қон донорлиги акцияси қонунчилик талабларига, тиббий хавфсизлик меъёрларига ва миллий қадриятларга таянадиган, кенг қамровли ижтимоий ҳаракатга айланди. Акциянинг онкологик касалликларга чалинган болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани муҳим аҳамият касб этади. Бундай беморлар учун қон ва унинг компонентларини қуйиш қўлпича даволашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Партия Сайловолди дастурида инсон қадрини юксалтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли

ва ҳаммабop тиббий хизматларни таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Донорлик ҳаракатини кенгайтириш айнан шу мақсадларга хизмат қилади.

Бегараз қон донорлиги акциялари жамятда инсонпарварлик, бағрикенглик ва фуқаролик масъулияти каби қадриятларни мустаҳкамлайди. Бу эса партия илгари сураётган “Кучли ижтимоий давлат” тамойилининг амалий ифодаси ҳисобланади. Чунки донорлик орқали онкологик касалликларга чалинган болаларга ва шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож инсонларга ҳаёт бағишлаш имконияти яратилади.

Шунингдек, партиянинг соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, профилактик тиббиётни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва аҳоли саломатлиги учун жамоатчилик масъулиятини кучайтиришга қаратилган ташаббуслари ҳам донорлик ҳаракати мақсадлари билан ҳамроҳдир.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш қони муносабати билан ўтказилган қон донорлиги акцияси партиянинг ёш авлод саломатлиги, болалар манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган дастурий вазифаларини амалда рўйбга чиқаришга хизмат қилди. Акция натижасида йўлланган қон захираси минглаб беморларга ёрдам бериш имконини яратди, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг ҳаётдаги амалий ифодасига айланди.

Жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари ўтказилган акцияда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кўмагини алоҳида эътироф этиш лозим. Жоме масжидларида инсонпарварлик, эҳсон қилиш ҳамда қўллов руҳи кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ўқилган маърузалар натижасида қўллаб-қувватлаш муносабати билан топширилди.

Шу билан биргаликда, Транспорт вазирлиги “Тошкент метрополитени” АЖ йиллар давомида мазкур акция эълонларини бегараз жойлаштириб, бемор болаларни қўллаб-қувватлашга қўллашга келди.

Акцияни ўтказишда давлат идоралари ва ташкилотлар билан кенг қамровли шериклик йўлга қўйилди. 46 та вазирлик ва идорага расмий таклифлар юборилди ва уларнинг ходимлари кўнгилли тарзда қон топиришга қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда ва

зиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-ҳўй коммунал хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмитаси, Давлат боғжона кўмитаси ва боғжона институти, Ўзбекистон Поло федерацияси, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Жамоат хавфсизлиги университети, “Uzbekistan Airways” АЖ, Республика Маҳаллалар уюшмаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Ислоҳ академияси, “Қишлоқ хўжалиги махсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси, “Ўзагро-суғурта” АЖ ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш идора ва корхоналар жамоалари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, “Адолат” СДПнинг “Замондош аёллар” клуби ва “Ёш адолатчилар” ҳаракатининг фаол аъзолари партия ташаббусини қўллаб-қувватлаб, савобо ишга ҳисса қўшилишди.

3 кун мобайнида ўтказилган акция натижасида **3,5 тоннага** яқин (3 тонна 145 литр) қон тўпланди. Бу ҳажм компонентларга ажратилганда минглаб муолажаларни қоплашга хизмат қилади. Бу рақам нафақат статистик, балки чуқур инсонпарварлик мазмунига ҳам эга.

Бу йилги акцияда тўпланган қон ва унинг компонентлари **болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси** илмий-амалий тиббиёт марказида даволаш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлашга ҳисса қўлиди. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш қони муносабати билан марказда даволанаётган 220 нафар болаларга эсдалик совгаллар тақдим этилди ва байрам арафасида ўтказилган ушбу акция доирасида тўпланган қон маҳсулотлари ҳам топширилди.

Бегараз донорлик акциясида кўп йиллардан буён фаол иштирок этиб келатган **ҳамкасбимиз Сарвар Эргашев** 14 июнь – халқаро донорлар кўни арафасида “**Қон хизматининг фахрий дўсти**” сертификатини билан тақдирлашни партияимиз ходимлари эзгу ишда фаоллигининг яққол исботидир.

Бир сўз билан айтганда, партия ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги акция фуқароларнинг юксак ижтимоий масъулиятини намоён қилди ва давлат, жамоат институтлари ҳамда аҳоли саъй-ҳаракатлари бирлашганда муҳим гуманитар вазифаларни ҳал этиш мумкинлигини яна бир бор исботлади.

Бугуннинг гапи

## ВИЖДОНИ МУЗЛА ГАН ОДАМ

адолатнинг  
тафтини ҳис  
қила олмайди

Биз туғилган ватанни муҳокама қилиб, тупроғини ғариб, имкониятларини кам, осмонини тор, деймиз.

**Муҳиддин ИМОМАДИЕВ,**  
Ўзбекистон Журналистлари  
уюшмаси аъзоси

Баъзан юрт дардини англаш ўрнига, уни айблашни осонроқ деб ўйлаймиз. Миллатни ортада қолган халқ сифатида тасаввур қилмай, гўё тараққиёт фақат хорижлик эшик олдида тургандай.

Динимизни баҳса солаемиз, урф-одатларимизни эскилик деб атаймиз, қадриятларимизни тараққиётга тўсиқдек кўраемиз.

Асрлар давомида миллатни миллат сифатида асраб келган қиммат айнан қадрият ҳисобланади.

Биз боболар сабрини кўрқоқлик, момолар ҳаёсини қарамлик деб баҳолаймиз, ҳиссиёт ёки юзак фикрга таяниб, асрлар давомида қон, сабр ва иймон билан сақланган муқаддас тушунчаларни инкор қилишга уринаемиз.

Энг осон иш – ўзинг қурмаган нарсани бузиш, ўзинг кўтармаган юкни енгил санаш, ўзинг кечмаган азоб устидан ҳукм чиқариш.

Инсон баҳсда ўзидан олдингиларни эмас, ўзининг илдизини инкор қилаётганини англамайди, энг оғир иш – инсоннинг ўзини ўзи муҳокама қилишидир.

Навбат нафсига келганда – у жим қолади, навбат виждонига келганда – мавзудан қочади, хатосига келганда эса ўзини оқлаш учун сабаб топади.

Чунки инсон ўз айбини тан олса, сохта буюклиги қулаб тушиши мумкин.

Ўзини буюклар қаторига қўшадиган одам ойна орқали фақат юзини кўради, аммо қалбини қуришдан кўради. Қалбнинг ойнаси эса инсонга унинг ҳақиқий юзини кўрсатади.

У жамятнинг айблайди, аммо жамят дегани – ўзи эканини унуттади.

Бир инсоннинг виждонсизлиги бутун муҳитга таъсир қилади. Чунки жамят фақат қонунлар билан эмас, инсонлар қалбидаги масъулият билан ҳам яшайди.

Энг таажжубланарлиси, инсон ҳақиқатни доимо ўзидан ташқаридан излайди, айбдорни қидиради, сабаб қидиради, лекин ўз қалбига савол беришга журъат этолмайди.

Аслида инсониятнинг энг катта инқирози моддиятда ёки сиёсатда эмас. Энг катта инқироз – инсоннинг ичида.

Виждони музлаган одам адолатнинг тафтини ҳис қила олмайди. Қалбда ҳақиқат ўлган инсоннинг тилидаги ҳақиқат қуруқ гапдан бошқа нарса эмас.

Инсон денгиз тубига тушди, коинот сирларини ўрганди, аммо ўз қалбини ўзлаштиришни бир четга суриб қўйган.

Жамятнинг ўзгартириш инсоннинг ўзини ўзгартиришдан бошланади. Миллат тақдирини ҳар бир фуқаронинг виждонига ёзилади.

Ер юзидаги энг катта ғалаба бошқалар устидан эмас, инсоннинг ўз нафиси устидан қозongan ғалабасидир.

Ҳақиқат китоб саҳифаларида эмас, аввало, инсоннинг виждонига тиради, қалби уйғонмаган одам бу ҳақиқатни англай олмайди.

Тарихда қўллаб-қувватлар ва салтанатлар йўқолган. Уларни ташқи душман эмас, инсоннинг ичида бошланган маънавий емирилиш қулатган.

Тараққиёт инсоннинг қўли билан барпо этилади, аммо унинг тақдирини инсоннинг қалби ҳал қилади.

Бир кун келиб ҳар бир инсон дунёдаги энг узок сафар – ўз қалбига бунган йўл эканини англайди.

...Балки, инсониятнинг ҳақиқий қутқарилиши ҳам айнан виждон билан яшашни қайта ўрганишдан бошланар.

**Мен сени кўзим билан севмадим, чунки кўзлар қачондир нурдан қолади. Мен сени орагим билан севмадим, сабаби юрак уришдан тўхтайдди. Мен сени руҳим билан севдимки, руҳлар биздан олдин ҳам таниш бўлган ва биздан сўнг ҳам таниш бўлурлар.**

Жалолоддин РУМИЙ

**“Онам сув сўради. Ариқдан музни ёриб, сув келтирдим. Онам уйқуга кетган экан, сувни унинг олдида тугиб турдим. Қўлларим қотиб қолди. Онам уйғонди. Кўзани кўтариб турганимни кўриб, сувни ичди ва мени дуо қилди. Аллоҳ ато этган барча мартабани онамнинг дуосидан топдим”.**

Боязид БИСТОМИЙ

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА  
Баҳром АБДУХАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Мухаммад АЛИ  
Гавхар АЛИМОВА  
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ  
Озода ПАРШИБОВЕВА  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75  
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан  
чика бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев  
Масъул котиб – Абдуғани Содиков

НАШР  
Кўрсаткичи: 100

ISSN 2093-5217

9 772093 521009

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 601

Адади – 4 020

Босишга топириш вақти – 21.00

Босишга топирилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмохонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди  
орқали  
газетанинг  
электрон  
вариантини  
юклар олинг!